


Путин Грозний аэропортига янги ном берди



20:00 / 23.08.2021 1237

Чеченистон пойтахтининг шимолий аэропортига республиканинг биринчи президенти Ахмат хожи Қодиров номи берилди. Тегишли фармонни душанба куни Россия давлат раҳбари Владимир Путин имзолади.

Чеченистон Республикасининг биринчи президенти Қодировнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарор шу йилнинг май ойида қабул қилинган.

Тахминан бир ой олдин, Чечен давлат университети ҳам биринчи президент шарафига номланган.